

КАСБ-ХУНАР МАКТАБЛАРИДА ТАРБИЯВИЙ ИШНИ ТАШКИЛ ЭТИШ ВА БОШҚАРИШ

Эсанбай Омонмуратович Бабаев

Сирдарё вилояти Оқолтин тумани касб-хунар мактаби директори

Аннотация: Албатта, маънавий-аҳлоқий тарбия натижалари миллий истиқлол гояси ва мағкураси, маънавият ва маърифат, маданият, аҳлоқ, фан, жамият, ижтимоий хаёт дараҷаси билан узвий боғлиқ, Маънавий-аҳлоқий тарбия мақсадиҳар томонлама уйғун ривожланган баркамол инсонни тарбиялаб вояга етказишидир. Мақолада касб-хунар мактабларида тарбиявий ишларни ташкил этиши ва бошқарии муаммосини ечимлари ҳақида сўз юритилган.

Таянч сўзлар: Маънавият, таълим-тарбия, педагогика, педагогик технологиялар, тарбия-маънавиятни юксалтириши омили, ижтимоий муносабатлар, ўқитувчи ва ўқувчилар.

Халқимизда “Таълим ва тарбия-бешикдан бошланади”, деган ҳикматли сўз бор. Факат маърифат инсонни камолга, жамиятни тараққиётга етказади. Шу сабабли мамлакатимизда таълим соҳасидаги давлат сиёсати узлуксиз таълим тизими принципига асосланган, бола туғилганидан бошлаб, 30 ёшгача бўлган даварда уни ҳар тамонлама қўллаб-қувватлайдиган, хаётда муносиб ўрин топиши учун кўмак берадиган, яхлит ва узлуксиз тизим яратишга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Буюк юон олими, Шарқда “Биринчи муаллим” деб улуғланадаган Аристотелнинг “Ватан тақдирини ёшлар тарбиячи хал қиласди” деган сўзлари қаранг милоддан 350 йил аввал айтилган. Демак, инсоният онгли хаёт кечира бошлаган даврдан бўён таълим ва тарбия масаласи, доимо долзарб аҳамият касб этиб келмоқда. Бир ўйлаб кўрайлик, дунёдаги ривожланган давлатлар қандай қилиб юксак тараққиёт ва турмуш фаровонлигига эришмоқда?

Энг аввало, илм-фан ва таълимга қаратилган улкан эътибор туфайли эмасми. Шунинг учун ҳам кейинги йилларда юртимизда ҳар тамонлама тараққий эттириш, янги Ўзбекистонни яратиш мақсадида барча соҳалар қатори таълим тизимида ҳам туб ислоҳатлар олиб борилмоқда. Касб-хунар мактабларида тарбиявий жараён педагогик фаoliyatdan иборат бўлиб, унинг асосий мақсади ўзгариб борувчи жамиятнинг ижтимоий-иқтисодий талабларидан келиб чиқсан ҳолда замонавий ўқувчи-ёшларни маънавий-аҳлоқий, жисмоний ва касбий жиҳатдан камол топтиришdir.

Синфдан ташқари тарбиявий ишлар қўйдагиларга имкон беради:

- машғулот ва мулоқот
- бир-бирини билиш;
- яхши муносабатлар шаклланиши;
- шахс қирраларини англаш;
- яхши дақиқаларни биргаликда бошдан кечириш;

- инсонларнинг яқинлашуви;
- ҳамкор(бирга) ликдаги ҳиссий кечинмалар;
- дўстлашиш-руҳий яқинлашиш;
- ижтимоий аҳамиятини тушуниш;
- тарбиячининг қасбининг кераклигини ҳис қилиш;
- эҳтиёж- талабини ҳис этиши;

Равшанки, буларнинг барчаси таълим муассасасидаги таълим-тарбия мазмуни билан узвий боғлиқ бўлиб, улар маълум таълимий, тарбиявий мақсадга эришиш учун хизмат қиласди.

Тарбиявий ишларни ташкил этиш ва бошқаришда мактаб директорининг ёшлар билан ишлаш бўйича директор ўринбосари, психологлар, услубчилар, мураббийлар, ўқитувчилар фаол иштирок этишлари зарур. Чунки ўзаро ҳамкорликда ва мувофиқлаштирилган ҳолда ташкил этилган тарбиявий ишлар катта самара беради. Педагогикада тарбиявий ишни ташкил этиш ва бошқаришнинг бир неча усуллари қўлланилиши эътироф этилади. Қўйида уларнинг айримлари ҳақида тўхталиб ўтамиз.

***Авторитар** усул.* Бунда ўқитувчи гурух фаолияти, тарбиявий иш йўналишини шахсан ўзи аниқлайди, кимнинг нима билан шуғулланиши, кимнинг ким билан бир партада ўтиришини белгилаб беради, ўқувчиларнинг ҳар қандай ташабbusларига тўсқинлик қиласди. Ўзаро таъсирининг асосий-шакллари буйруқ, кўрсатма, йўриқнома, огоҳлантириш ва бошқалар. Ҳатто онда-сонда ўқувчига билдирадиган “ташаккури” ҳам кинояли оҳангда жаранглайди. “Сен бугун яхши жавоб бердинг. Сендан буни кутмаган эдим”. Ўқувчиларнинг хатоларини топган авторитар усулга таянган бундай ўқитувчи, кўп ҳолда ҳатто сабабларини тушунтирумасдан ва уни тўғрилаш йўлларни кўрсатмасдан ўқувчига танбех беради. Албатта, тарбиявий ишда қаттиқ қўллиқ баъзан ижобий натижа берса, кўпинча салбий оқибатларга олиб келади.

***Демократик** усул.* Бу усулда ўқитувчи тарбиявий иши (ёки тадбир) ларни ташкил этишда педагогик жамоа ва ўқувчилар гуруҳининг фикрига таянади. Ўқитувчи тарбиявий фаолиятининг мақсадини ҳар бир ўқувчи онгиға сингдиради, барчани тарбиявий ишнинг боришини назорат ва фаол муҳокама қилишга жалб қиласди. У ўз вазифасини нафақат ўқувчилар фаолиятини назорат қилиш ва мувофиқлаштириш, балки уларни изчил тарбиялашдан иборат деб билади; ҳар бир ўқувчини турли йўллар билан рағбатлантиради. Тарбиявий ишни демократик усулда ташкил этадиган ва бошқарадиган ўқитувчи ўқувчиларнинг индивидуал мойиллиги ва қобилияти, қасбий қизиқишини ҳисобга олади, фаоллигини қўллаб қувватлайди; ташабbusкорлигини ривожлантириди ва рағбатлантиради. Бундай бошқарувда асосий мулоқот усуллари илтимос, кенгаш, маслаҳат, келишув, ахборот алмашиш ҳисобланади.

***Либерал** усул.* Тарбиявий ишнинг либерал усули самара бермайди. Ўқитувчининг бепарволиги, ўқувчиларнинг ножӯя ҳатти-ҳаракатларни кўра била туриб, ўзини кўрмасликка олиши, унга қарши ҳеч қандай чора-тадбирларни қўлламаслиги педагогик методларни чуқур ўзлаштирганидан далолат беради.

Бундай ўқитуви синф ўқувчилари жамоаси хаётига аралашмайды, уларнинг қизиқиш ва интилишлари, турмуш тарзи, хулқ-атвори, камчилик ва ютуқлари, орзу умидлари билан қизиқмайды, ўзаро муносабатларда фаоллик кўрсатмайды, педагогик ёки таълим тарбия масалаларини расмий равишида номигагина мухокама қиласди, ташки таъсиrlар, баъзан қарама-қарши фикрлар оғушидан чиқа олмай қолади. Унинг мустаҳкам обрў-эътибори ҳақида сўз бўлиши мумкин эмас.

Ёш авлод тарбияси ҳақида гапиргандা, Абдурауф Фитрат бобомизнинг мана бу фикрларига ҳар биримиз, айниқса, энди хаётга кириб келаётган ўғил-қизлармиз амал қилишларини мен жуду-жуда истардим. Мана, улуғ аждодимиз нима деб ёзганлар: “Халқнинг аниқ масад сари харакат қилиши, давлатманд бўлиши, баҳтли бўлиб иззат-хурмат топиши, жаҳонгир бўлиши ёки заиф бўлиб хорликка тушиши, баҳтсизлик юкини тортиши, эътибордан қолиб, ўзгаларга тобе ва қул, асир бўлиши уларнинг ўз ота-оналаридан болаликда олган тарбияларига боғлиқ”.

Тарбиявий ишни ташкил этиш ва бошқаришнинг юқорида санаб ўтилган усулларидан ташқари яна педагогик мулоқот усули ҳам кенг қўлланилади. Касб-хунар мактабларида тарбиявий муносабатлар ва ўқувчиларни тарбиялашга раҳбарлик қилиш жараёнидаги ўзаро таъсиr педагогик мулоқот усулини шакллантиради. Янгиланаётган жамият ўз аъзолари ўртасида ҳамкорлик, ҳамжиҳатлик, ўзаро ёрдамга асосланган мутлақо янги муносабат усулини шакллантиришни тақозо этмоқда. Ижтимоий муносабатларнинг бундай қадриятларитаълим жараёнида ўз ифодасини топиши лозим.

Азиз дўстлар!

Бугунги мурракаб ва шиддатли XXI асрда ҳар биримиз, бутун ҳалқимиз ёш авлод тарбиясига ҳар қачонгидан ҳам жиддий эътибор қаратишимизни ҳаётнинг ўзи барчамиздан талаб этмоқда.

Фарзандларимизни мустақил фикрлайдиган, замонавий билим ва касб-хунарларни эгаллаган, соғлом ҳаётий позицияга эга, чинакам ватанпарвар инсонларсифатида тарбиялашбиз учун ҳеч қачон ўзининг долзарблигини йўқотмайдиган масала хисобланади.

Авторитар педагогикада ҳамжиҳатлик тушунчаси ўқитувчининг ўқувчига педагогик таъсиr кўрсатиши, унинг хулқ-атвори катталарнинг фаол харакатлари натижасида шаклланиши шарт эканлиги, шунингдек ўқувчи тарбиявий таъсири усулларини сўзсиз қабул қилишга тайёр туришини англатади. Бизнинг фикримизча, тарбиявий таъсиr кўрсатиш усуларида ўқувчиларнинг фаоллигини таъминлаш, мустақил фикрлашини ривожлантириш, уларни бевосита ўзаро мулоқотга киришишига ундаш, ўз фикрини эркин билдириши учун имкониятлар яратиш мухим аҳамият касб этади.

Бугунги кунда “**Фарзандларимиз биздан кўра қучли, билимли, доно ва албатта баҳтли бўлишлари шарт!**” деган ҳаётий даъват ҳар биримизнинг, ота-оналар ва кенг жамоатчиликнинг онги ва қалбидан мустаҳкам ўрин эгаллаган.

Одатда, касб-хунар таълимида тарбиявий иш тизимини бошқариш учун “Тарбиявий иш режаси”дан фойдаланилади. Унда тарбиявий ишлар ва тадбирларни ҳар куни, ҳар хафтада, ҳар ойда, ҳар чоракда ўтказиш назарда тутилади. Таълим муассасасининг ўзига хос хусусиятлари ва тайёрлов йўналишларидан келиб чиқсан ҳолда, *тарбиявий иш тизимини бошқаришининг ташкилий моделини ишлаб чиқиши мақсадга мувофиқ*. Моделда тарбиявий ишлар(ёки тадбирлар) нинг индивидуал ўқитувчининг ўқувчилар биланиндивидуал тарбиявий иши, мустақил билим олишга йўллаш, тарбиявий мавзуларда индивидуал сұхбат, мураббийлик, тажрибаларни ўргатиш, тарбиявий топшириқ, ижтимоий тажрибаларни қузатиш, анъанавий тарбия усуллари), *гуруҳий* (тарбиявий ишларни ташкил этишбўйича илфор педагогик тажрибаларни гуруҳда қўллаш, конференциялар ўтказиш,тарбиявий ишлар бўйича комиссилар ишини ўрганиш, ижодий гуруҳлар ишини кузатиш, назарий семинарлар ташкил этиш, семинар-практикумлар ўтказиш,мусобақалар уюштириш, тарбиявий мавзуларни таҳлил этиш ва муҳокама қилиш) ва *жамоавий* (ilmий кенгаш, педагогик кенгаш, тарбиявий фестиваллар, тарбиявий ҳоялар аукциони, тарбиявий ишланмалар ярмаркаси, тарбиявий кашфиётлар, янгиликлар кўргазмаси, тарбия шакллари ҳақида сұхбатлар акс этади).

Тарбиявий иш ёки тадбирини амалга ошириш ва унга тайёргарлик кўрадиган маъсул шахслар директорнинг оғзаки ёки ёзма кўрсатмаси орқали белгиланади. Масалан, ҳар ойнинг охирги хафтасида тарбиявий тадбирни ўтказиш режалаштирилади. Уни тайёрлаш ва ўтказишга касб-хунар мактаби директорининг ўзи раҳбарлик қиласди.

Албатта, унга тайёргарлик кўриш учун маълум вақт талаб этилади.бунинг учун директорнинг кўрсатмасига биноан бир неча кишидан иборат ижодий гуруҳ ташкил этилади. Бу гуруғ тарбиявий ишлар муаммосига оид материалларни тўплайди. Бундан ташкири, тарбиявий ишлар жараёнида педагогларнинг турли таобиявий ишланмалари ярмаркаси, тарбиявий янгиликлар кўргазмаси ташкил қилинади. Бу тадбир учун касб-хунар мактаби директорининг ўқув ишлари бўйича ва ёшлар билан ишлаш бўйича муовинлари маъсулдирлар.

Тарбиявий иш тизимини бошқариш моделида тез-тез фойдаланиладиган тарбиявий ишлар бир-бирларидан шаклига қараб алоҳида-алоҳида ажратилилади. Моделда тарбиявий ишларни ташкил этишнинг анъанвий шакллари билан ноанъанвий шаклларини бирлаштириш назарда тутилади.

Тарбиявий тадбирларни режалаштиришда уларни ташкил этиш ва ўтказишнинг мантиқий кетма-кетлигига алоҳида эътибор қаратилилади. Тарбиявий ишларни ташкил этиш ва бошқариш тизимининг ташкилий моделини ишлаб чиқиш гуруҳига тажрибали ўқитувчиларни киритиш тадбирларини ўз вақтида мувофиқлаштириш, режалаштирилган ишларни ўз вақтида назорат қилиш имконини беради. Тарбиявий иш тизимини бошқаришининг ташкилий моделини касб-хунар мактади амалиётига татбиқ этишда қуйидаги шартларга амал қилиниши мақсадга мувофиқ: тарбиявий ишни бошқаришни ўқув-тарбия жараёнини ташкил этишнинг бошқа режалари билан

мувофиқлаштириш; касб-хунар мактаби маълумотлар тахтасига жадвал кўринишида “тарбиявий тадбирлар режасини” осиб қўйиш.

Шуни таъкидлаб ўтиш жоизки, тарбиявий иш тизимини бошқаришнинг ташкилий моделидан фойдаланишда баъзан қийинчиликларга дуч келиниши мумкин. Чунки тарбиявий ишнинг барча шаклларида бошқаришнинг умумий вазифасини амалга ошириш ва унинг барча қирраларини қамраб олиш анча мураккаб жараён. Шуни ёдда тутиш лозимки, ортиқча тадбирлар тарбиявий иш сифатига таъсир кўрсатади. Педагог касб-хунар мактаби фаолиятининг энг муҳим хусусиятлари бўйича етарлича ахборотга эга бўлмаса, у таълим муассасасида содир бўлаётган воқеаларга, хусусан, тарбиявий ишларга нисбатан салбий муносабатда бўлиши ҳам мукин. Тарбиявий иш тизимини бошқаришнинг ташкилий моделидан фойдаланиш, тўғрироғи, касб-хунар мактабида тарбиявий ишни мунтазам ташкил этиш бундай камчиликларни бартараф этишга хизмат қилади.

Бундай ташкилий тарбиявий ишни ташкил этиш ва бошқаришнинг ташкилий моделидан фойдалашиб жуда қулай ва осон бўлиши керак. Бу тарбиявий иш тезкор назорат қилишга, тарбиявий фаолиятдаги асосий йўналишларни белгилаш ва юкламаларни мувофиқлаштиришга имкон беради. Тарбиявий ишнинг ташкилий моделидан фойдаланиш барча бошқарув функцияларини жорий этишга имкон беради. Шу билан бирга, тарбиявий иш тизимини бошқаришнинг ташкилий моделини татбиқ этишда касб-хунар мактабидаги барча турдаги режалаштириш ишларни мувофиқлаштириш зарур. Гап шундаки, тарбиявий тадбирларни ташкил этувчилар ёки унинг ташкилотчилари (касб-хунар мактаби директори, унинг муовинлари, услубчилар, психологлар) ни ҳамда бошқа педагогларни “Касб-хунар мактабида тарбиявий ишни ташкил этиш” дастури асосида ўқитиши катта самара беради. Бундай дастур педагогик жамоа ҳамкорлигида ишлаб чиқилиши лозим. Бунда нафақат назарий масалаларни эгаллашга эътибор қаратилади, балки тарбиявий ишларни ташкил этиш ва бошқариш моделини ишлаб чиқиш бўйича амалий кўнгилларни шакллантирилади. Албатта, тарбиявий ишларни ташкил этиш ва бошқаришнинг модели намунавий бўлиб, уни ўрта маҳсус, касб-хунар таълими тизимида жорий этишда ижодий ёндашмоқ зарур. Бошқача айтганда, тарбиявий ишларнинг шакл ва турларини танлаш, уларни ташкил этиш тартиби ва унга маъсул шахсларни белгилашда таълим муассасаларида шарт-шароитлар, имкониятлар, ўқитувчиларнинг педагогик маҳорати, салоҳияти ва бошқа омиллар эътиборга олинади. Энг асосийси, унга илмий-тарбиявий ишларни мувофиқлаштириучи кенгаш тавсиялари асосида зарурӣ тузатиш ва ўзгартиришлар киритилиши мақсадга мувофиқ. Тарбиявий ишларни бошқаришга умумий ёндашувлар ва бошқариш назариясига оид билимлардан фойдаланиш тарбиявий иш тизимини бошқаришнинг бир неча вариантларини ишлаб чиқишга имкон беради.

Хулоса қилиб айтганда, ўрта маҳсус касб-хунар таълими муассасаларида таълим тарбия ва маънавий-маърифий ишларни ташкил этиш ҳамда ўтказишида ватанимиз келажаги бўлмиш ёшларда ватанпарварлик, ахлоқийлик, инсонпарварлик,

мехнатсеварлик ва бошқа сифатларни шакллантиришга, уларнинг маънавий камолотини янада юксалтиришга алоҳида эътибор қаратиш зарур. Зеро, ёш авлоднинг қалби ва онгини турли заарали ғоя ва мафкуралардан ҳимоя қилиш энг долзарб педагогик вазифадир.

ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ:

1. Ш.М.Мирзиёев. Эркин ва фаровон, демократик Ўзбекистон давлатини биргаликда барпо этамиз. Тошкент-“Ўзбекистон” 2017
2. Ш.М.Мирзиёев. Конун устуворлиги ва инсон манфаатларини таъминлаш-юрт таррақиёти ва халқ фаровонлигининг гарови. Тошкент-“Ўзбекистон” 2017
3. Ш.М.Мирзиёев. Буюк келажагимизни мард ва олижаноб халқимиз билан бирга қурамиз. Тошкент-“Ўзбекистон” 2017
4. Ш.М.Мирзиёев. Янги Ўзбекистон Тараққиёт стратегияси. Тошкент-“Ўзбекистон” 2022
5. Адизова Т.М. Бошқарув мулоқоти. Тошкент: Низомий номли ТДПУ, 2000.
6. А.А.Аллабергенов, Й.Р. Аковбянс, М.С.Ходжаева. Касб этикаси ва психологияси. Чўлпон-Тошкент 2016
7. Касб-хунар таълими илмий-услубий журнали 2014.